

Фарғона шаҳри

2022 йил “17” ноябрь

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Р.Холиқназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Лойихачи» деб юритиладиган “ROYAL DIZAYN LOYIHA” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Исроилов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида»ги конуни, Курилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01-16) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

### 1.Шартнома мавзуси

1.1.Лойихачи мазкур шартнома шартларига асосан “Қувасой шаҳар Кокилон МФЙ Қақир ва Ўрикзор қишлоқларидаги Шифокор, Равнақ, Олмазор, Дехқонобод, Гулчилар, Ўрикзор, Ўзумзор кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш” обьектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш» обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш (калит остида топшириш) ҳамда курилиш-монтаж ишларининг шаҳарсозлик хужжатларига мувофиқлигига доир муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия Бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 йил «14» ноябрь кунги танлов хайъатининг № 181652 - сонли электрон баёнига асосан жорий нархларда **89 650 000 (Саксон тўқизз миллион олти юз эллик минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “20” кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ ” да буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Лойихачи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3.Лойихачининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва тегишли хужжатларга асосланиб бажаради.

3.2. Лойиха кидирав ишларида (топосёмкада) барча ер ости мухандислик тармоқларини кўрсатади, ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини тегишли (гидрогеология, геология, электросет, энергонадзорат, СЭОМ, МЧС, автомобил йўллар бошқармаси, газ, экология) барча ташкилотлар билан келишган ҳолда хулоса олади, курилиш монтаж ишлари якунига кадар муаллифлик назоратини олиб боради ҳамда ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишади ва Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўлиқ топширади;

3.3. Буюртмачининг руҳсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

3.4. Лойихачи лойиха-смета хужжатларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК дан экспертизадан ўтказади.

### 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Лойихачига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Лойихачи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## **5.Тўловлар ва хисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Лойихачига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 % микдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия Бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг обьект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

## **6.Ишларни бажариш**

6.1. Лойихачи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиха-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойихачи лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, курилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

## **7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Лойихачи томонидан тайёрланган лойиха-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш Бошқармаси хузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3550-сонли карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликни кискартириш Бошқармаси хузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Лойихачи 3 кун мобайнида лойиханинг ишчи хужжатларини 3 нусхада, смета хужжатларини 3 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо кўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Лойихачи ушбу накладной асосида счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласи. Лойиханинг ишчи хужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2.Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четга чиқишлиар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётгандан аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниклагандан кейин 10 кун муддатда Лойихачини ёзма равишда огохлантиради ва камчиликларни киска муддатда бартараф этилишини талаб қиласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қиласи.

## **8. Енгіб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгіб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## **9. Кафолатлар**

9.1. Лойихачи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, курилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиха-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлади;

## **10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1.Буюртмачи Лойихачига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Лойихачи тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво юзасидан кўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Лойихачи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараённида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидирав ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараённида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чикиши ва шунга мувофик зарур кўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Лойихачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Лойихачи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида обьектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлигича Лойихачидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Лойихачини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортини, шунингдек Лойихачидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган ҳаражатларда, мол-мulkning йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Буюртмачи бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, обьектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия Бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки кисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга қарши қурашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-харакатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;
- томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар қўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукуқбузарликларни содир этганлиги хақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## 12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга кадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Лойихачи ташкилотига берилган лицензия ушбу карор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошкармаси хузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари кисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Лойиха ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Лойихачи пудрат шартномасини бажаришга ўз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунинга кадар истаган вактида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга карор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди.

## 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

## 15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари: “Буюртмачи”

“Лойихачи”

“Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғононий 143-үй  
Тел.: 0-373-244-72-04

СТИР: 305 987 080 ОКОНХ 42210

ШИР: 302021860304017063201110017

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ҲККМ)

ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010 МФО:00014

СТИР: 201 122 919

Рахбар:

Р.Холиқназаров

М.ў



Хукукий хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фиддиятидан шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

юрист

А.Нишонов

“ROYAL DIZAYN LOYIHA” МЧЖ,

Адрес: Фаргана ш. Сайилгоҳ қўчаси 22Б уй

Х.р: 2020 8000 6047 2035 2001

Банк: "Мадад инвест банк" Фарғона филиали  
МФО: 01142

ИНН-300898378

ОКОНХ:66000

Директор

М.ў



А.Исройлов